Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланди, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилди, муаммонинг ўрганилганлиги даражаси таҳлил қилинди, шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланди, илмий янгилик, амалий натижалар ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, диссертация таркиби тавсифланди.

“Туркистонда большевиклар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва кадрлар сиёсатида янги тизимни шакллантириш” деб номланган диссертациянинг биринчи бобида 1917 йилдаги давлат тўнтариши натижасида аввал ҳокимиятдан йироқ бўлган ижтимоий қатламлардан кўпчилигини ҳокимиятга келганлиги таҳлил қилинди. Уларнинг фаолияти кўп жихатдан ташкилий ишларнинг шакллариغا, ҳокимият ва бошқарув органларининг таркибий хусусиятларига, совет давлат тизимининг фаолиятига кўрсатган таъсири кенг ёритилди.

1917 йил 10 декабрда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) эски ҳокимият органларини бекор қилиш ва маҳаллий кенгашларни ташкил этиш тўғрисида фармон чиқаради, яъни уларни қўллаб-қувватламаган барча аввалги ҳокимият органларини йўқ қилишга киришади⁹⁵.

Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг миллий масала билан яқин алоқада бўлганлигидир. Бу даврда “буюк давлатчилик шовинизми» тушунчаси пайдо бўлади. “Буюк шовинизм, биринчи навбатда, партия-давлат арбобларига айланган кечаги люмпенларнинг саъй-ҳаракатлари билан қайта

⁹⁵ Рахимов М. История Ферганы. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 31.

жонланди”⁹⁶. В. Куйбишевнинг фикрича эса, “миллатчилик ва тарафкашлик айнан буюк рус шовинизми оқибатида вужудга келди”⁹⁷.

Масалан, Туркистон ХКС раиси Ф. Колесовнинг: “...мусулмонларни олий ҳокимият органларига келишларига рухсат беришнинг иложи йўқ, чунки маҳаллий аҳолининг бизга нисбатан муносабати аниқланмаган ва бундан ташқари, улар пролетар ташкилотига эга эмас” деган сўзлари⁹⁸ юқоридаги фикрлар исботидир. И.О. Тоболин эса “...Шарқда инқилобни мусулмонлар ёрдами билан амалга оширмаслик керак эди” деб, инқилобни “русларнинг маданий кучлари ёрдами” билан бажариш кераклигини таъкидлаб, ўзбекларни барчасини “савдогар сифатида кўриши”ни ва шунинг учун уларни буржуазия – “иккинчи даражали фуқаролар” деб атаган эди. У “қирғиз (қозок)лар”ни эса хўжалик турмуш тарзига кўра чорвадор халқ сифатида – иккинча поғонада туришини ва “бу халқнинг йўқ бўлиб кетиши фақатгина, маданий рус халқи учун янги ер майдонларини озод қилиш манфаатлари учун мақсадга мувофиқ”⁹⁹ лигини таъкидлаб келган эди.

Бироқ, Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати масаласида кадрларнинг етишмаслиги ва сифати каби муаммолар ҳам мавжуд эди. Масалан, ишчи деҳқон инспекцияси (ИДИ) тизимида кадрлар масаласидаги ҳолат оғир аҳволда эди, «ходимларнинг ўта етишмовчилиги» ва контингенти фақатгина 15–20%га тўлдирилганлиги, бу кескин кадрлар етишмовчилиги мавжудлигини кўрсатади. 1920 йил сентябрдаги кадрлар тақчиллиги маълумотларига кўра, зарур бўлган керакли микдордаги 284 штатдан фақатгина 113 штатда кадрлар фаолият кўрсатиб, кадрлар етишмовчилиги 171 ходимни ташкил этар эди. Ҳатто, 1923 йилга келиб ҳам ИДИдаги кадрлар танқислиги муаммоси ҳал этилмади, бунинг оқибатида кадрларни хаддан ташқари ортиқча иш билан банд этилиши, кадрлар контингентининг тўлиқ бўлмаслиги туфайли Фарғона ИДИнинг тўла таркиби бир неча йил давомида таътилга чиқа олмади¹⁰⁰. Кадрлар танқислиги сабабли меҳнат таътилига чиқа олмаслик ҳолатлари қолган соҳаларда ҳам кузатилган. Масалан, Халқ Комиссарлар советининг 1919 йил 14 апрелдаги қарорига асосан, 1919 йил 13 июнь куни Туркистон Республикаси Маориф халқ комиссарининг “Таътил ва дамга чиқишни тақиқлаш тўғрисида”ги 76- сонли буйруғи чиқади ва кадрлар етишмовчилиги сабабли таътилга чиқармаслик муаммоси юзага келди¹⁰¹.

Кадрларни бир муассасадан иккинчи муассасага сафарбар қилиш орқали кўчириш ҳам кадрлар муаммоларидан бири эди. Мисол учун, 1920 йил 4 сентябрь куни “Туркистон Республикасининг барча совет муассасаларининг техник ходимларининг 10 фоизини Озиқ-овқат комиссарлигини фаолиятини

⁹⁶ Голованов А. Бумеранг // Звезда Востока. – 1991. – №4. – С. 85.

⁹⁷ Тайны национальной политики ЦК РКП (Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик. 9–12 июня 1923 года.). – М.: ИНСАН, 1992. – С. 27.

⁹⁸ Аллворт Э. Россия: прорыв на Восток. Политические интересы в Средней Азии. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2016. – С. 191.

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси архиви (Ўз.Р.ПАА): 60-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 2,4^а-варақлар.

¹⁰⁰ Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз.МА), 41-фонд, 1-рўйхат, 1045-иш, 3-варақ.; 1033-иш, 62-63-варақлар.; 1650-иш, 92-варақ.

¹⁰¹ Ўз.МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 173-иш, 50-варақ.; 1020-иш, 73, 78-варақлар.

кучайтириш учун сафарбар қилиш тўғрисида”ги 112- сонли ХКСнинг қарори эълон қилинди. Бироқ, комиссарлар ва Бирлашган давлат сиёсий идораси (ОГПУ) раҳбарлари ушбу қарорнинг амалга оширишни бекор қилиш истагини билдириб, ходимларни ноқонуний равишда кўчиришларининг маъносизлигини кўрсатиб ўтдилар¹⁰².

Шунингдек, Туркистонда янги ҳокимият учун кадрлар масаласида партия-сиёсий раҳбариятининг интеллектуал даражаси паст эканлиги, кадрлар етишмаслиги ва мавжуд кадрлар контингентидан самарали фойдаланмаслик каби муаммолар мавжуд эди¹⁰³. Масъул давлат лавозимларини ўз вазифаларини тўлиқ билмаган ва баъзан эгаллаб турган лавозимларидан узоқ бўлган шахслар томонидан эгалланиши одатий ҳол эди¹⁰⁴.

1917 йилги февраль воқеаларидан кейин Туркистондаги вазиятни тавсифлаб, Ҳ. Адиб “туркистонликлар фуқароларга айлана бошладилар ... лекин улар кутган натижага эришмадилар ва маҳаллий халқларнинг умид ва интилишлари амалга ошмади”, деб таъкидлаган эди¹⁰⁵. Натижада Тошкент маҳаллий кенгашлари фақат Туркистондаги оз сонли рус ва Европа халқларининг ваколатхонасига айланди¹⁰⁶.

Фақатгина Советларнинг V ўлка съезидан кейин, (1918 йил 20 апрель – 1 май) 36 кишидан иборат Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси (ТуркМИК) таркибига, илк бора 4 та маҳаллий халқ вакиллари: С. Журабаев, С. Юсупов, Ш. Остонбоев ва С.А. Азимбоевлар киритилади. ХКС таркибида эса 15 та комиссарлардан биринчи марта 2 та ўрин маҳаллий халқ вакилларига ажратилди: Саъдулла Турсунходжаев Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ва С. Ашурхўжаев Миллий ишлар бўйича халқ Комиссари лавозимини эгаллади¹⁰⁷.

1922 йилга келиб, биронта ҳам маҳаллий халқлар вакиллари бўлмаган Почта ва телеграф Комиссарлигида маҳаллий кадрларни жалб қилиш масаласи Туркистон коммунистик партиясининг Марказий Қўмитасида кўриб чиқилади ва Назорат комиссияси назоратига (НК) ўтказилади. Гарчи, 1922 йилга келиб Туркистонда 700га яқин маълумотли “мусулмон мутахассислар” мавжуд бўлса-да, Туркистон Алоқа Комиссарлигининг қасаба иттифоқи томонидан “мусулмонларга қарши кураш ва уларни таъқиб қилиш сиёсати” ўтказиб келинди¹⁰⁸.

¹⁰²Ўз.МА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1038-иш, 33а-варак; Ўз.Р.ПАА, 60-фонд, 5-рўйхат, 109-иш, 5-варак.

¹⁰³ Голованов А. Бумеранг // Звезда Востока. – 1991. – №4. – С. 84.; Доклад народного комиссара РКИ. Ўз.МА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1033-иш, 77-варак.

¹⁰⁴ Аминова Р. Х. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917–1920 гг.). – Ташкент: Изд. Акад. Наук УзССР, 1963. – С. 109.

¹⁰⁵ Khalid Adeeb. The Fascination of Revolution: Central Asian Intellectuals, 1917–1927 // In Empire, Islam, and Politics in Central Eurasia. Sapporo: Slavic Research Center, Hokkaido University, 2007. – P. 141.

¹⁰⁶ Karasar A. H. National identity and regional integration in Central Asia: Turkestan reunion. Dissertation for the degree of PhD in International relations. IESS Bilkent univ. – Ankara, 2002. – P. 100.

¹⁰⁷ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). – Тошкент: Университет, 2002. – Б. 48.; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб (1917–1939 йиллар). – Т.: O‘zbekiston, 2019. – Б. 84.

¹⁰⁸ Ўз.Р.ПАА, 60-фонд, 1-рўйхат, 316-иш, 9-варак.; 2-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 3-варак орқаси.

1923 йилга келиб, маҳаллий аҳолидан кадрларни жалб этиш долзарб аҳамият касб эта бошлайди ва ўлка сиёсий ҳаётида “маҳаллийлаштириш” атамаси жорий этила бошланган. Шу йили ТуркМИҚнинг «Давлат муассасаларини маҳаллий аҳоли вакиллари билан тўлдириш тўғрисида»ги 430 сонли қарори қабул қилинган. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли орасидан “ТуркМИҚда ишлаши мумкин бўлган” кадрларни ҳисобга олиш бўйича тадбирларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шу йилнинг ўзида “Иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш тўғрисида”ги 130-сонли ТуркМИҚнинг қарори чиқади¹⁰⁹.

Диссертациянинг **“Туркистонда ҳарбий ва сиёсий кадрларни шакллантириш ҳамда тайёрлаш тизими”** номли иккинчи бобида кадрлар сиёсатининг муҳим масалаларидан бири, ҳарбий ва сиёсий кадрларни шакллантириш, шунингдек, раҳбар кадрлар тайёрлаш механизмини яратиш ва хавфсизлик тузилмалари тизимига маҳаллий аҳоли вакилларини жалб қилиш масалалари ёритилди.

Миллий ҳарбий қисмларни шакллантириш бўйича дастлабки уринишлар 1917 йил апрель-сентябрь ойларида Туркистон мусулмон аскарлари I–II съездларида амалга оширилган. Съездда 9 кишидан иборат ҳарбий кенгаш ташкил этилди ва ҳарбий раис С. Юсупов бошчилигида мусулмон кўшинларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди¹¹⁰. Туркистон мусулмон жангчилари Конгресси 1917 йил сентябрь ойида: 1. Мусулмон роталарини ажратиб, алоҳида миллий батальонини тузиш; 2. Тошкентда 12 кишидан иборат Марказий ҳарбий Кенгаш ташкил этиш тўғрисида иккита муҳим қарор қабул қилади¹¹¹. Аммо, 15 ноябрь куни Тошкент ишчи ва аскар депутатлари Кенгаши Ижроия қўмитаси миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш нодемократик эканлиги баҳонасида мусулмон батальонини тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилади¹¹².

Туркистонда совет ҳокимияти томонидан бошқа соҳаларда бўлгани каби, ҳарбий тузилмаларини шакллантиришда Марказдан кадрларни сафарбар этиш усули қўлланилган. Масалан, 1918 йил 21 августда, Татар-бошқирд Марказий комиссарлиги орқали Мустафо Субҳи, Галимжон Аминов ва Маҳмет Назмилар келади¹¹³. Шу ва бошқа кадрлар сафарбарлиги натижасида Туркистондаги татар кизил армия аскарлари сони катта миқдорга эга бўлиб, кўшинларнинг ярмидан кўпини ташкил этади, айрим ҳолларда бу 70–75% га етади. Масалан, 5-армия, Алоҳида Қозон татар заҳира батальони ва 1-чи татар алоҳида ўқчи бригадаси таркиби бунга мисол бўлади¹¹⁴.

¹⁰⁹ Фаргона вилояти давлат архиви (ФВДА), 121-фонд, 2-рўйхат, 20-иш, 1-варақ.; 280-иш, 6-38-варақлар.; 526-иш, 4-27-варақлар.; 533-иш, 49-178-варақлар.

¹¹⁰ Зияева Д. Х. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (қадимги даврдан ҳозиргача). – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 185.

¹¹¹ Раджапов Э. Г. Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ҳарбий кадрлар тайёрлаш сиёсати (1917–1924 йй.). Тарих фанлари бўйича фалс.док.(PhD) дисс.авторреферати. – Ташкент, 2019. – Б. 37.

¹¹² Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб... – Б. 57; Абдуллаев Р. М. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. – Т.: Навруз, 2014. – С. 160.

¹¹³ Хайрутдинов Р. Г. На путях к советской автономии. – Казань: Казанский университет, 1972. – С. 129–130.

¹¹⁴ Мирсаид Султан Галлиев. Статьи, выступления, документы. – Казань: Татарское изд-во, 1992. – С. 128.

Ўз навбатида, Туркистон ҳам кўшни ҳудудларга қизил армия қисмларини шакллантиришда “кадрлар ёрдами”ни амалга оширади. Мисол учун ХХСРга 1920 йилда қизил армия кўшинларини шакллантириш учун Туркистондан 18 нафар мусулмон йўриқчилар юборилади. Уларнинг фаолияти натижасида Бирлашган туркман ва ўзбек меҳнаткашларининг қизил меҳнат армияси ташкил этилади¹¹⁵.

1920 йил 7 майда 228 сонли буйруқ чиқарилади ва унда илк бора: “...Қизил армия сафига Туркистон мусулмонларидан 30 минг кишини чақириш” кўзда тутилган эди¹¹⁶. Чақирув уч босқичда амалга оширилиши режалаштирилиб, чақирилувчилар сони аҳоли зичлигига мутаносиб равишда тақсимланди. Бироқ, бу чақирув, жойлардаги ҳолат ва аҳоли сони тўғрисида масъулларнинг мутлақо беҳабарлиги, маҳаллий шароитни ҳисобга олмаганлиги ва ерли аҳоли вакилларида сиёсий-қўмондонлик таркибнинг йўқлиги сабабли тўлиқ бажарилмай қолди¹¹⁷.

Ички ишлар кадрлари масаласидаги жиддий аҳвол туфайли 1918 йил 29 январиди «Кадрлар захирасини шакллантириш ва милицияни қайта ташкил этиш тўғрисида» буйруқ қабул қилинди¹¹⁸. 1918 йилнинг охирига келиб эса, “Туркистон ўлкасининг милиция ходимларини шакллантириш тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Низомда милиция таркибига 21 ёшдан кичик бўлмаган ва 45 ёшдан ошмаган фуқароларни қабул қилиниши белгиланиб, 150 дан кам ва 250 дан ортиқ бўлмаган миқдордаги милиция Инспекторлари Марказий Бошқармаси қошида тайёрланиши қайд этилди¹¹⁹. 1919 йил февраль ойида эса ҳукумат томонидан вилоятларда махсус хизматлар бўлинмалар (қисмлар)ини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинади¹²⁰.

Сиёсий-мафкуравий ва иқтисодий ишларни амалга ошириш учун кадрлар масаласида совет ҳокимияти аёл кадрларни ҳам эътиборидан четда қолдирмади. Совет ҳукумати сиёсати аёлларга ижтимоий ишлаб чиқариш ва сиёсий ҳаётга катта, ҳали жалб қилинмаган инсон ресурслари сифатида қараб келди. Собиқ Россия империяси ҳукуматидан фарқли ўлароқ, совет ҳукумати мусулмон аёлларни “озод қилиш” ва уларни турли лавозимларга жалб қилишга алоҳида эътибор бера бошлади. Бу давр аёлларнинг ролини тубдан қайта кўриб чиқилиши билан белгиланди, бу асосан аёлларнинг иқтисодий озод бўлиши ва уларни меҳнат ресурслари сифатида ишлатилишига асосланган эди. Аҳолининг аёл тоифасига, меҳнат ресурслари ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган бошқарув механизмининг

¹¹⁵ Экономические отношения советской России с будущими союзными республиками. 1917–1922. – М.: Восточная литература, 1996. – С. 179.

¹¹⁶ ФВДА, 66-фонд, 1-рўйхат, 110-иш, 69-варақ.; См. также: Рафиков М. А. Партийные мобилизации в Красную Армию Туркестана в 1919-1920 годах. // ОНУ. – 1966. – №2. – С. 47.; Климов С. Н. Военно-организаторская деятельность Коммунистической партии в Средней Азии (1917–1924 гг.). – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 76.

¹¹⁷ ФВДА, 66-фонд, 1-рўйхат, 110-иш, 75,85-варақлар; Климов С. Н. Военно-организаторская деятельность Коммунистической партии в Средней Азии (1917–1924 гг.). – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 77–78.

¹¹⁸ Ерметов А. Ўзбекистонда ички ишлар органлари фаолияти. (1925–1991 йиллар). – Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018. – Б. 37.

¹¹⁹ Ўз.МА, 36-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 87-варақ.

¹²⁰ Ўз.Р.ПАА, 2-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 11-варақ.

элементларидан бири сифатида ҳамда уларга қўшимча ишчи кучи сифатида қаралди. Шунингдек, “совет ҳукумати аёллар орасидан ўз тарафдорларини шакллантиришга интилди”¹²¹.

1920 йилдан раҳбарлик лавозимларига аёлларни жалб қилиш сиёсати аста-секин асосий кун тартибига кира бошлаган¹²². Жумладан, 1920 йилдан 1921 йилгача Туркистон Маориф халқ комиссарлиги томонидан турли раҳбарлик лавозимларга қуйидагилар тасдиқланади: Газиёва - туркий аёллар педагогика билим юрти қошидаги 1 босқич мактабига ўқитувчи лавозимига¹²³, Х. Гизятулина – маориф институтига ўқитувчи сифатида, Салимхон Тилаханова, ўлка мусулмон аёллар педагогика курслари мудирини лавозимига, М. Ҳабибулина ва С. Кадировалар - ўлка Ўзбек хотин-қизлар маориф институтига ўқитувчи лавозимига, Зарифа Музафарова - Тошкент аёллар маориф институти раҳбари лавозимига, Капкаева - Тошкент эски шаҳар болалар боғчаси раҳбари лавозимига, кейинчалик 1921 йил 11 майдан бошлаб эса Ўзбек хотин-қизлар маориф институтига тикувчилик ўқитувчиси лавозимига тайинландилар¹²⁴.

РСФСР ХКСнинг 1919 йил 3 феввалидаги 34-сонли буйруғига асосан барча таълим муассасаларига ишга қабул қилиш қатъий синфийлик тамойили бўйича, яъни улар пролетар синфига тегишлилиги тўғрисида, 2 нафар партия аъзолари: большевиклар, коммунистлар ёки касабани уюшмалари қўмиталари аъзолари имзолаган тавсиясига кўра амалга ошириш тартиби тасдиқланди¹²⁵.

1921 йили раҳбар кадрлар тайёрлаш учун ТуркМИК қарори билан коммунистик университетлар ташкил этилади. Ишчи-Дехқон Коммунистик университети (РДКУ) ва Ишчи-Крестьян Коммунистик университети (РККУ) ташкил этилади. 1921 йилги Низомга кўра, РДКУ нафақат олий ўқув юрти, балки турли ҳарбий операцияларда иштирок этувчи ҳарбийлаштирилган муассаса эди. Ҳарбий жиҳатдан, РДКУ 1 ММҚ полкининг 1 батальонининг 1 ротаси сифатида фаолият олиб борган¹²⁶. Университет талабаларининг оилалари эса, умумий низомга кўра, қизил армия вакили оилалари сифатида таъминлаб келинган¹²⁷.

Партияга тааллуқли бўлмаган кадрлар тайёрлаш муассасаларининг аҳволи эса жуда танг ҳолатда эди. Ушбу муассасаларни таъминланиши қолдиқ тизими бўйича амалга оширилган. Бу нафақат талабаларга, балки ўқитувчиларга ҳам таъсир кўрсатган. Ҳатто маориф институтлари, мактаблар ва совет-партия мактаблари ўқитувчилари учун ҳақ тўлашда ҳам яққол камситиш ҳолатлари кузатиб келинди. Агар мактаб ва маориф институти ўқитувчилари 1200 рублдан 4000 рублгача иш ҳақи олган бўлса, партия

¹²¹ Насретдинова Д. Туркистон маданият ҳаётида татар аёллари. – Тошкент: Yangi nashr, 2015. – Б. 109.

¹²² Салмонов А. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг диний сиёсати: уйдирма ва тарих ҳақиқати. – Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 49.

¹²³ Ўз.МА: 34-фонд, 1-рўйхат, 881-иш, 30-варақ.

¹²⁴ Ўз.МА: 34-фонд, 1-рўйхат, 881-иш, 1-3, 8, 11,13,15-варақлар.

¹²⁵ Ўз.МА 34-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 2-варақ.

¹²⁶ Ўз.Р.ПАА, 103-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 12-варақ.; Ўз.МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1068-иш, 18-варақ.; Ўз.Р.ПАА, 103-фонд, 1-рўйхат, 24-иш, 12-варақ.

¹²⁷ Ўз.Р.ПАА, 56-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 29, 30-варақлар.

мактабларининг ўқитувчиларининг иш ҳақи эса 20000 рублдан 35000 рублгачани ташкил этар эди. Бу тафовут ушбу соҳа ходимларининг умумий кайфиятига ҳам таъсир кўрсатар эди¹²⁸.

Кадрлар тайёрлаш механизмини янада ривожлантириш учун 1921 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий аҳоли учун: А) ўзбеклар учун: Тошкентда – 200 кишилик, Самарқанд, Қўқон, Андижон ва Марғилон шаҳарларнинг ҳар бирида - 150 кишилик; б) қирғизлар (қозоқлар) учун: Тошкентда – 250 кишилик, Чимкентда – 150 кишилик, Авлиё-отада – 100 кишилик, Перовскда – 200 кишилик, Казалинскда – 75 кишилик, Вернийда – 200 кишилик, Пржевальскда – 100 кишилик; в) тожиклар учун: Самарқандда – 150 кишилик; г) туркманлар учун Полторацкда - 150 кишилик; Д) яҳудийлар учун: Когон ёки Самарқандда – 50 кишилик 8 ойлик қайта тайёрлов уқув курслари очилди, кейинчалик бу курслар маориф институти, педагогика билим юрти ва педагогика техникумлари сифатида қайта ташкил этилди¹²⁹.

Шундай қилиб, Туркистонда большевиклар ҳокимиятини дастлабки даврдан бошлаб, ўлка ҳокимияти бошқарув органлари таркибида ҳарбий-сиёсий кадрларни шакллантириш ва тайёрлаш тизими шакллана бошлаган. Кадрлар тайёрлаш механизмининг бутун бир мажмуаси яратилди.

“Кадрлар ҳисоби, тақсимоти ва назорати органлари” деб номланган диссертациянинг учинчи бобида Туркистонда янги давлат ҳукуматининг ўзига хос хусусияти сифатида, большевиклар партияси тимсолида бир сиёсий ташкилотнинг давлат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига кириб бориши таҳлил қилинади. Иерархия ва бюрократик бир хиллик барча ҳокимият ва бошқарув органларига, шу жумладан советларга ҳам тарқалган. 1921 йил 1 март ҳолатига кўра, Туркистонда 6 та ижроия қўмита, 33 та туман ижроия қўмитаси ва 431 та волост ижроия қўмиталари фаолият юритган. Ревкомлар 44 та волостда сақланиб қолиб, улардан 32 таси Фарғона, 9 таси Самарқанд, 2 таси Каспийорти ва 1 таси Сирдарё вилоятларида фаолият олиб борган. 1922 йилдан бошлаб барча комиссарликлар ва маҳаллий Кенгашлар учун ягона эталондаги тузилма ва штатлар ташкил этилган¹³⁰. 1924 йилнинг бошига келиб, улар аниқ бир кўринишга эга бўлиб, Туркистон Республикаси МИҚнинг 9- сонли қарори билан Туркистон давлат муассасалари бўйича штатларнинг умумий сони 16385 штат бирлигидан иборат этиб белгиланади¹³¹. Туркистон автоном совет республикаси (ТАССР)нинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, вилоят ижроия қўмиталари бўйича 736 та штат, уезд ижроия қўмиталари бўйича 823 та штат ва шаҳар ижроия қўмиталари бўйича 78 та штат бирлиги тақсимланади¹³². Шунингдек, масъул ходимларнинг иш ҳақи ТАССР ХКС сининг 1921 йил 15 мартдаги 57- сонли қарорига асосан тенглаштирилади. 1922 йил апрел ойидан бошлаб эса

¹²⁸ Ўз.МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 1011-иш, 33-варақ.

¹²⁹ Ўз.МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 883-иш, 1-варақ.

¹³⁰ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарк, 2000. – С. 399.

¹³¹ Ўз.МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 805-иш, 4-варақ.; Атаджанов А. Р. Организация и деятельность РКИ в Туркестане. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 90.

¹³² Ўз.МА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 812-иш, 11-варақ.

республикада кадрларни мунтазам равишда режали кўчириб ўтказиш тизими жорий этилади¹³³.

Кадрларни ҳисобга олиш, тақсимоли ва назорат қилиш учун турли хил махсус органлар ташкил этилиб, дастлаб унинг негизини, 1919 йили асос солинган ТКП МКнинг Ҳисоб-интизом бўлими ташкил этди¹³⁴. 1923 йилга келиб, советларнинг бошқарув кадрларини ҳисобга олиш ва тақсимоли механизми аниқ кўринишга эга бўлади. Масалан, 1923 йил 5 февралдаги Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИҚ) Раёсатининг қарорига асосан, №06720 Кўрсатма ва 1923 йил 21 февралда эса «Малакали совет ходимларини рўйхатга олиш тўғрисида» Йўриқнома қабул қилинади (1923 йил 3 августдаги махфий кўрсатмага асосан, амалга оширилаётган ишлари ўзига ҳослигини ҳисобга олган ҳолда ОГПУга нисбатан бу талаблар қўлланилмаган. – Б. М.¹³⁵). Кадрларни ҳисобга олиш тартиби ва кадрлар номенклатурасини шакллантириш масаласи 1923 йил 5 февралдаги 8 - сонли Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитасининг қарори билан янада ривожлантирилади ва 1923 йил 21 март куни ТуркМИҚда Ташкилий-инструкторлик бўлими ташкил этилди¹³⁶. Шунингдек, раҳбар кадрларини алоҳида танлаб олиш мезонлари ҳам ишлаб чиқилди¹³⁷.

Агар оддий ходим кадрларнинг ҳаракати билан меҳнат бўлимининг тақсимлаш органлари шуғулланган бўлса, масъул ходимлар эса фақатгина партия тизими орқали, яъни номенклатура механизми орқали ўтиши шарт эди¹³⁸. Масалан, юқори лавозимдаги кадрларни ҳисобга олиш маълумотларига кўра, “энг фаол” кадрлар даражасига саноқли кишилар кирган. Шунга кўра, Москванинг марказий муассасаларидан – 100 нафар раҳбар, Украинадан – 50 нафар раҳбар, Сибирдан - 30 нафар раҳбар ва Туркистондан - 25 нафар раҳбар ходимлари ушбу рўйхатга киритилган¹³⁹. Вилоят миқёсидаги масъул “юқори малакали” кадрлар тоифасига эса, 1924 йил маълумотларига кўра, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Наманган уезди бўйича - 907 нафар раҳбарлар киритилган бўлиб, улардан фақат 2 нафари маҳаллий халқларнинг вакиллари эди¹⁴⁰.

Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири Россиянинг марказий ҳудудларидан “кадрларни сафарбар қилиш” эди¹⁴¹. Масалан, 1919 йил охирига келиб 400 нафар раҳбар кадрлар Туркистонга юборилган бўлса, 1920 йилнинг февралдан сентябрь ойигача 476 нафар, 1920 йилнинг августидан 1922 йилнинг августигача 1168 нафар, 1921 йилнинг сентябридан 1923 йилнинг январига қадар 700 нафардан

¹³³ Ўз.МА, 34-фонд, 1-рўйхат, 518-иш, 8-варақ.; 36-фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 73-варақ.

¹³⁴ Ўз.Р.ПАА, 60-фонд, 1-рўйхат, 310-иш, 1-5-варақлар.

¹³⁵ Ўз.Р.ПАА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2687-иш, 2-варақ.

¹³⁶ ФВДА, 121-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 1,12-варақлар.

¹³⁷ Ўз.МА, Р-17-фонд, 2-рўйхат, 82-иш, 39-варақ.

¹³⁸ Ўз.Р.ПАА, 14-фонд, 1-рўйхат, 137-иш, 67-варақ.

¹³⁹ Назаров С. А. Руководство Средазбюро ЦК РКП(б) партийным и национально-государственным строительством в Средней Азии (1922–1924 гг.). Дисс. канд. ист. наук. – Москва, 1965. – С. 32.

¹⁴⁰ Ўз.МА, Р-17-фонд, 2-рўйхат, 105-иш, 3-варақ.; 124-иш, 1-4-варақ орқаси.

¹⁴¹ Воскобойников Э., Зевелев А. Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК РКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. – Ташкент, 1951. – С. 77.

ортиқ турли кадрлар юборилган эди¹⁴². 1923 йилга келиб марказдан сафарбар қилинган кадрлар сони 1396 нафарни ташкил этар эди¹⁴³. Сафарбар этилган кадрлар, аввало, марказий, вилоят, туман ва шаҳар партия ва совет органларига, шунингдек, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимларига юборилади¹⁴⁴. Э. Аллвортнинг сўзларига кўра, кадрлар сафарбарлиги ошгани сайин “Ўзбек ва қозоқ ишчилари уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолганлар”¹⁴⁵.

Расмий кадрлар сафарбарликлари билан бир қаторда, кадрларнинг ўзбошимча кучиб келиши ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу сафарбарлик ижтимоий-иқтисодий ва маиший сабаблар билан боғлиқ эди. Бироқ, айрим ҳолларда сафарбарлик мажбурий бўлиб бўйсунмаганликлари учун бир қатор масъул ходимлар жазога ҳам тортилиб, уларнинг ишлари эса назорат комиссиясига топширилган¹⁴⁶.

Туркистон ҳудудида партия ва давлат назорати органлари - Туркистон Ишчи-Дехқон инспекцияси (ИДИ) ва Назорат Комиссиясини (НК) ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнини ўрганиш кадрлар масаласи мавзусида алоҳида эътиборга лойиқ. Амалда, Инспекция органлари ишчилар ва дехқонлар учун давлатни бошқаришни ўрганадиган мактаб бўлиши керак эди. Улар 1923 йили қайта ташкил этилганидан сўнг, партия кўмиталари билан бирлаша бошладилар ва кадрлар назорати фаолияти учун партия раҳбариятининг қарорлари асос сифатида қабул қилина борди, ушбу ташкилот томонидан ходимларга нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирлар эса, асосан репрессив характерга эга бўлган¹⁴⁷.

Совет даври мобайнида кадрлар сиёсати механизмининг яна бир элементи “кадрлар тозалови” бўлиб, унинг ўтказилиши ГПУ органларининг кўрсатмалари асосида “мутлақо махфий” тарзда амалга оширилиши керак эди. Унинг асосий механизми бўлган, назорат органлари эса, аста-секин репрессив органларига айлана борган¹⁴⁸.

Натижада, Туркистон ХКСнинг 1923 йил 27 февралдаги давлат аппаратини қисқартириш ва соддалаштириш тўғрисидаги қарори асосида амалга оширилган тозалаш ва қисқартиришдан сўнг фақатгина 24 та бошқарма, 68 та бўлим ва 98 та бошқа бўғинлар қолган эди¹⁴⁹.

Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирига келиб Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш тизимининг аниқ кўринишдаги тузилмаси яратилган. Фақатгина кадрларни назорат қилиш

¹⁴² Назаров С. А. Руководство партийным строительством в Средней Азии.... – С. 273.

¹⁴³ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 58.

¹⁴⁴ Ўз.МА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 253-иш, 69-варақ.

¹⁴⁵ Аллворт Э. Россия: прорыв на Восток. Политические интересы в Средней Азии... – С. 199.

¹⁴⁶ Ўз.Р.ПАА, 2-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 5-варақ.; 25-иш, 3-варақ; 49-иш, 72-варақ. – 02.04.22.даги 7 сонли Баённома (Самарканд обл.)

¹⁴⁷ Ўз.МА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1047-иш, 20-варақ.; Ўз.Р.ПАА Фарғона булими, 1087-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 1,9-10.12-варақлар.

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси архивининг Фарғона бўлими, 1087-фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 2-3-варақлар.

¹⁴⁹ Атаджанов А.Р. Организация и деятельность рабоче-крестьянской инспекции Туркестанской АССР (1920-1924 г). Дисс. канд.ист.наук. – Т, 1966. – С. 172.

органлари ёрдамида ҳокимият органлари ўзининг асосий йўналишлари билан норозиларни бартараф этиб, барча ғоя ва режаларини амалга ошириш ва ўзига мос, унинг талабларига жавоб берадиган янги кадрлар қатламини шакллантириши мумкин эди. Кадрлар тозалови эса совет ҳокимиятининг кадрларни тартибга солиш механизмининг асосий воситаларидан бирига айланган.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқотлари натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради.

1. Большевиклар, ўзига хос тарзда бир қатор бюрократик чоратadbирлар мажмуасини ўз ичига олган кадрлар тайёрлаш, ҳисобга олиш, назорат қилиш ва тақсимлаш механизмини яратдилар.

2. Туркистонда кадрлар масаласи билан боғлиқ кўплаб хатоликлар ҳолатлари кузатилди, жумладан, малакали кадрларнинг етишмаслиги муаммолари, тез-тез ўзгариб турадиган раҳбарлар таркиби, мавжуд ходимларнинг қўнимсизлиги, турли хил кадрлар сафарбарликлари, кам сонли кадрларни тез-тез кўчирилиши, ходимларнинг иш билан ҳаддан зиёд банд этилиши, шунингдек, кадрларни икки ёки ундан ортиқ бўлимларни бошқариши ва бир нечта лавозимларни бажариш ҳолатлари аниқланди.

3. Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати тарихи ва маҳаллий аҳолидан бошқарув тизимига кадрларни жалб қилиш муаммоларини шартли равишда уч босқичга: 1. 1917–1919 йиллар; 2. 1920–1922 йиллар; 3. 1923–1924 йилларга бўлиб ёритилиниши, бу борада янада тўлиқ ва аниқ хулоса қилиш имконини беради.

4. Туркистонда бошқарув кадрларини шакллантириш масалаларида ўзининг асосий мақсадларини амалга ошириш учун коммунистик университетлар, совет партия мактаблари ва турли хил курслар шаклида кадрлар тайёрлашнинг бутун бир механизми, босқичма-босқич яратилди.

5. Партияга аъзо бўлмаган мутахассисларни коммунистлар билан алмаштирилишининг мақсади ижтимоий ва назарий асосга эга бўлиб, партиясизлар асосан, келиб чиқиш табақасига кўра пролетар бўлмаган. Уларнинг дунёқараши ва мавжуд позицияга нисбатан бўлган нуқтаи назари сабабли, улар большевик ҳокимиятининг потенциал мухолифлари булиб, шу сабаб уларни алмаштирилиши муқаррар эди.

6. Кадрларни ҳисобга олиш, тақсимоти ва назорат қилиш учун турли хил махсус органлар ташкил этилиб, партияга қабул қилиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш тартибини тўлиқ тартибга солувчи орган сифатида дастлаб, Ҳисоб-интизом бўлими ташкил этилди ва у орқали, кадрлар сиёсатининг бутун механизмини советлар ва партияга қарамлигини янада кучайтирди.

7. Туркистонда кадрлар номенклатураси тизимини яратишдан асосий мақсад, барча раҳбар кадрларни, уларни тайинловчи партия органларига шахсий қарамлигини таъминлаш ва бўйсундиришни янада кучайтириш эди.

8. 1923 йилда қайта ташкил этилганидан сўнг назорат органлари аслида партия кўмиталари билан бирлашиб, партия раҳбариятининг кадрларни назорат қилиш соҳасидаги асосий қуроли бўлиб келди ва репрессив органлар билан ўзаро муносабатлари шу қадар мустаҳкам ҳамда ўзаро боғлиқ бўлиб кетдики, нафақат оддий аҳоли, балки партиянинг кўплаб аъзолари назарида ҳам репрессив органлари сифатида қараб келинди.

Юқоридаги хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** илгари суриш мумкин:

1. Кадрлар сиёсатида назарий ва амалий асосларни, инновацион ўзига хос технологияларни жорий этишнинг оптимал моделларини, шунингдек, раҳбар кадрлар фаолияти натижаларини комплекс баҳолаш мезонларини тўла ишлаб чиқилмаганлиги бугунги кунга қадар шу соҳада ҳал қилинмаган муаммолар сифатида сақланиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш учун эса аввалги йиллардаги тажрибаларни ўрганиш ва миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда етакчи хорижий мамлакатларнинг ютуқларини жорий этиш тавсия этилади.

2. Замонавий кадрлар сиёсатида, ходимларни рўйхатга олиш ва тақсимлашда кўр-кўрона нусха кўчиришга мурожаат қилмасдан, аввалги тизимнинг айрим элементларидан - ҳисобга олинувчи кадрларни комплекс ўрганиш, тавсифлаш кабилардан фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилади.

3. Кадрларни назорат қилиш тузилмалари (назорат комиссиялари, сифат комиссиялари ва бошқалар) мавжудлигини эътироф этган ҳолда, назорат тузилмалари кўр-кўрона тўсатдан қарор қабул қилинмаслик, турли ташкилот ва муассасаларнинг самарадорлиги ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри хулосалар чиқариши ва ходимларга босим ўтказиш кабилардан қочиб, уларни янги жазо ёки цензура органларига айланмаслиги тавсия этилади.

4. Туркистонда совет ҳокимиятининг кадрлар сиёсати ва уни ўлканинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида акс эттирилишига бағишланган экспозицияларни ташкил этиш, монография ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш, хужжатли ва кинофильмлар яратиш, ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш тавсия этилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL NUMBER DSc 03/30.12.2019.Tar.01.04. ON
AWARDING THE SCIENTIFIC DEGREES UNDER THE
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN**

NAMANGAN STATE UNIVERSITY

MIRZADJANOV BAKHTIYOR TULKUNOVICH

**PERSONNEL POLICY OF SOVIET AUTHORITY IN
TURKESTAN (1917-1924)**

07.00.01-History of Uzbekistan

**ABSTRACT OF THE DISSERTATION FOR THE DOCTOR OF
PHILOSOPHY (PHD) ON HISTORY**

Tashkent - 2020

The theme of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) is registered under B2017.1. PhD / Tar32 at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

The dissertation was completed at Namangan state university.

The abstract of dissertation has been posted languages on the website of Scientific Council (www.nuu.uz) and on «ZiyoNET» Informational-educational portal (www.ziynet.uz) in three languages (Russian, Uzbek and English (reume))

Scientific supervisor:	Rasulov Abdulla Nuritdinovich doctor of historical Sciences, Professor
Official opponents:	Rajabov Qahramon Kenjayevich doctor of historical Sciences, Professor
Leading organization:	Agzamhodjayev Saidakbar Saidovich doctor of historical Sciences, Professor Ferghana state university

The defense of dissertation will be held on «___»_____2020 at___ at the meeting of the Scientific Council Number DSc. 03/30.12.2019. Hist.01.04. on award of scientific degrees under the National University of Uzbekistan (Address: 100174, Tashkent, M.Galib street, 4 Faculty of history of National university, 1-st floor. 110-auditory. Tel.: (99871) 227-12-24; fax: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. National University of Uzbekistan

Doctoral dissertation can be found in the informational-source center of the National University of Uzbekistan (registration number № 54) Address: 100174, Tashkent, University street, 4 Head building)

Abstract of dissertation is delivered «___»_____2020.
(register of certificate of delivery № _____ of «___»_____2020).

A.A. Mavrulov
Chairman of the scientific
council on awarding degrees, Doctor
of historical sciences, professor

D. J. Urakov
Scientific secretary of the scientific
council for awarding scientific
degrees, PhD

G. A. Agzamova
Chairman of the scientific seminar
at the scientific Council for the award
of degrees, Doctor of historical
sciences, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research work is to study formation of the entire mechanism of personnel policy of the Soviet government in the governance system of Turkestan, the provisions of the issue of attracting personnel from the indigenous population and the impact of this policy on the political, social and cultural life of the region in 1917-1924.

The object of the research is the history of personnel policy of the Soviet power in Turkestan in 1917-1924, as well as the formation of its mechanism.

The scientific novelty of the study is as follows:

based on the input of new archival data, it was revealed that the policy of neglect and often discrimination by the Soviet government and its representatives in relation to cadres from the indigenous peoples of Turkestan, including with regard to their involvement in the system of party and Soviet leadership in 1917-1924 years was the result of a rash personnel policy and the preservation of "great-power-chauvinistic" sentiments among the authorities;

the influence of the "indigenization" policy on changes in the personnel of state bodies and institutions of Turkestan is determined, information is given on the basic requirements and instructions for selecting personnel from representatives of the indigenous population, which consisted in a comprehensive characterization and degree of employee loyalty to the new government, also based strictly on class principles ;

the essence and goals of "personnel assistance" and "personnel mobilization" were revealed in a new way, which led to even greater subordination and dependence of Turkestan to the "Center", and personnel transfers to party structures. The mechanism of personnel accounting is also considered, which includes a number of questionnaire-bureaucratic forms, characterization of employees, establishments of notebooks and personal files of various types, the formation of a nomenclature of leading personnel, its regulatory support and legislative framework. In particular, the basic requirements and guidelines for the selection of leading personnel are studied based on nomenclature groups;

for the first time, facts are given about communist universities - the main institutions for training leadership as "militarized" organizations, and the activities of university students as employees of special forces (ChON), and providing their families along with families of Red Army soldiers;

the roles of accounting and control bodies in the regulation of personnel issues are revealed in a new way, the essence, goals and mechanism of personnel purges are more fully disclosed, as one of the main tools of personnel regulation.

Implementation of research results.

In the process of studying the issue of personnel policy of the Soviet power in Turkestan in 1917 – 1924, scientific conclusions and recommendations were implemented as follows:

statistical data of the personnel composition of the system of government bodies of Turkestan, personal files of statesmen of the period under review and biographical data were used in the design of Museum exhibits on the theme

"Personnel issue, national figures and their fate in the Turkestan ASSR in 1917-1924" in the Department "Soviet period" of the State Museum of history and culture of Namangan region, (Act of the Ministry of culture of the Republic of Uzbekistan dated October 15, 2018 No. 01-11-08-7157). This allowed on the basis of illustrations, photographic materials and archival documents, which reflect the personnel policy of the Soviet government in Turkestan and its impact on the political, socio-economic and cultural life of the region, to create new exhibitions and make them available to the General public;

scientific conclusions concerning the «emancipation» of women and the essence of their involvement in personnel relations considered in the dissertation study gave valuable information about the women's issue of the Soviet period, and were used in the process of fulfilling the tasks outlined in The presidential Decree of February 2, 2018 under the number PF-5325 "on measures to radically improve and strengthen the activities of family institutions and support for women», in the organization of seminars and the work of the women's Committee of Namangan region (Act Namangan region on February 13, 2019 No. 07/34-437) and the women's Committee of Uzbekistan (the Act of the women's Committee of the Republic of Uzbekistan from February 22, 2019 No. 05/295-19). The issues of changes that occurred in the Institute of family in Turkestan in 1917-1924 in the process of attracting female personnel considered in the thesis, were also used in the organization of work and seminars Of the center" Oila "of Namangan region (Act of the Scientific and practical research Center "Oila" of Namangan region dated February 15, 2019, No. 49);

the scientific conclusions of the participation of representatives of different peoples in the policy of personnel policy of the Soviet government in Turkestan, allocation of places in educational institutions of Turkestan based on the national composition, the role of representatives of the Tatar, Bashkir and other peoples in the "Eastern women" serve to fulfill the tasks in the field of interethnic relations and development of education, improving the activities of National cultural centers, were used in the international conference "Tolerance - as a tool for the development of mutual trust measures". At the same time, they serve to fulfill the tasks indicated in the fifth priority direction of the Strategy for the development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021, as well as the State program "Year of active investment and social development". (Act of the Committee on interethnic relations and friendly relations with foreign countries under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 18, 2019 No. 01-09-393).

The results of the dissertation research were used as a practical material in teaching the subjects History of Uzbekistan and History of Uzbek statehood for the direction of bachelor's degree 5120300-History in Fergana, Andijan and Namangan state universities, as well as improving the content of the subject and improving the quality of education (Act of the Ministry of Higher and Secondary special education of the Republic of Uzbekistan dated March 04, 2019 No. 89-03-898).

Structure and volume of dissertation. Dissertation includes an introduction, three chapters, conclusion, list of used sources and literature, and the appendixes. The total volume of dissertation is 153 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
LIST OF PUBLISHED WORKS**

I часть (I бўлим; I part)

1. Мирзаджанов Б.Т. «Кадровые чистки» советов в Туркестане в 20-х годах XX века // УзМУ хабарлари. №4/1 – Тошкент, 2011. – Б. 122-123. (07.00.00; №22)
2. Мирзаджанов Б.Т. «Дашнаки» в Ферганской долине как проявление непродуманной кадровой политики большевиков // УзМУ хабарлари. №1/4 – Тошкент, 2017. - Б. 75-77. (07.00.00; №22)
3. Мирзаджанов Б.Т. Мобилизация кадров из коренного населения в вооруженные силы Туркестана // Илмий хабарнома. (АндУ) Махсус сон. Ўзбекистон тарихи масалалари. - Андижон, 2017. - Б.48-52. (07.00.00; №16)
4. Мирзаджанов Б.Т. Организация системы подготовки руководящих кадров в Туркестане на примере комуниверситетов (1917-1924гг.) // Российская Тюркология. №3-4(20-21). РАН. - Москва, 2018. - С. 98-112. (07.00.00; №27)
5. Мирзаджанов Б.Т. Формирование механизма кадровой политики большевиков в Туркестане // ФарДУ. Илмий хабарлар. Ижтимоий-гуманитар фанлар. – Фаргона, №5. 2018. - Б.69-73. (07.00.00; №32)
6. Мирзаджанов Б.Т. Кадровая мобилизация из РСФСР в систему управления Туркестана / «Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: замонавийлик ва анъанавийлик» республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Термиз, 2011. - Б. 45-48.
7. Мирзаджанов Б.Т. Характеристика кадровой политики большевиков в Туркестане / «Проблемы и перспективы развития науки в начале третьего тысячелетия в странах СНГ» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. - Переяслав-Хмельницкий, Украина, 2014. - С. 78-80.
8. Мирзаджанов Б.Т. Кадровая политика советской власти в Туркестане на примере комуниверситетов (1917-1924гг.) / «Ломоносов - 2018». Материалы XXV международной конференции аспирантов и молодых ученых. – Москва, Россия, 2018.
9. Мирзаджанов Б.Т. Интолерантность по отношению к коренному населению Туркестана в советский период / «Толерантность – как инструмент развития мер взаимного доверия» материалы международной конференции. - Ташкент, 2018. - Б.141-143.

II часть (II бўлим; II part)

10. Мирзаджанов Б.Т. Положение образовательных учреждений по подготовке национальных кадров в Туркестане (в колониальный период) / Тарих тилга кирганда. - Наманган, 2009. №3. - Б. 59-63.
11. Мирзаджанов Б.Т. Становление власти советов в Наманганском уезде и проблемы новой системы в 20-х годах XX века / Наманган тарихидан лавҳалар. Илмий мақолалар тўплами. - Наманган, 2010. №1. - Б. 72–76.

12. Мирзаджанов Б.Т. Кадровая политика центра в Туркестане / “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: тарихий тажриба ва hozirgi замон” мазуидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. - Тошкент, 2010. - Б.79-83.
13. Мирзаджанов Б.Т. Кадровая политика большевиков в Туркестане на примере деятельности Ферганской областной контрольной комиссии / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Фарғона, 2012. - Б. 283-286.
14. Мирзаджанов Б.Т. Кадровый учет большевиков в Туркестане и её реализация в Ферганской области / “Фарғона водийси тарихи муаммолари” мавзуидаги республика илмий анжумани материаллари. - Наманган, 2012. - Б. 209-211.
15. Мирзаджанов Б.Т. Формирование контрольных органов большевиков в Туркестане на примере деятельности контрольных инспекций Ферганской области // Молодой ученый. №21(80) - Москва, Россия 2014. - С. 568-569.
16. Мирзаджанов Б.Т. Характеристика кадровой политики большевиков в Туркестане (на примере привлечения «Дашнакцутюн») // НамДУ ахборотномаси. №1 – Наманган, 2016. – С. 97-100
17. Мирзаджанов Б.Т. Вопросы мобилизации кадров коренного населения в вооруженные силы Туркестана в 20-х годах XX века / «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Фарғона, 25.05.2017 - С.225-228.
18. Мирзаджанов Б.Т. Организация системы подготовки руководящих кадров в Туркестане (1917-1924гг) // Novainfo. №83, 2018. - С. 73-77
19. Мирзаджанов Б.Т. Отношение к кадрам из коренного населения в Туркестане на примере Ферганской долины (1917-1924гг.) / “Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари” мавзуидаги республика илмий конференция материаллари. - Наманган, 2018. - Б.248-252.
20. Мирзаджанов Б.Т. Из истории формирования номенклатуры кадров в Туркестане на основе материалов Ферганского областного архива / “Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари” мазуидаги республика илмий конференция материаллари. - Наманган, 2018. -Б.303-307.
21. Мирзаджанов Б.Т. Роль учебных заведений по подготовке кадров в социально-культурной деятельности Туркестана (1917-1924гг) / “O’zbekiston Respublikasida ijtimoiy-madaniy faoliyatning dolzarb muammolari va istiqbollari” Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Namangan, 2018. –В.115-119.
22. Мирзаджанов Б.Т. К истории кадровой политики советской власти в Туркестане / Тарих тилга кирганда. – Наманган, 2018. №11. –Б. 70-73.
23. Мирзаджанов Б.Т. Женский вопрос в Туркестане (1917/1924) / «Ломоносов - 2019» секция «История и история искусства». Материалы XXVI международной конференции аспирантов и молодых ученых. – Москва, Россия, 2019.